

HERO OF THE SOVIET UNION GULOMJON YAKUBOV

Annotation: This article provides information about the life of Gulomjon Yakubov, his bravery during the war.

Keywords: Soviet, Asaka, Bobruisk

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси

“Шон-шараф” Давлат музейи

катта илмий ходими

Шароф Рахимов

Аннотация: Ушбу мақолада Гуломжон Ёқубов ҳаёти, уруш давридаги жасоратлари ҳақида маълумот келтирилган.

Калит сузлар: Совет, Асака, Бобруйск

“Буюк тарихда ҳеч нарсa изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фашизм устидан қозинилган Ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанада сўзлаган нутқида шундай деган эди – “Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган, мислсиз йўқотиш ва талафотларга олиб келган энг даҳшатли қирғин бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Олти йил давом этган бу қонли урушда ўша

пайтда дунёдаги мавжуд 73 та давлатдан 62 таси, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи иштирок этгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.....

Ўзбекистон халқи оғир талафотлар кўриб, буюк Ғалабага беқиёс ҳисса қўшди. Бу ҳақиқатни 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотлангани ҳам яққол исботлайди.



Ватандошларимизнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга, 70 нафардан ортиғи учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим”.¹

Юқорида кўрсатилган ўзбекистонлик 301 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан бири Ғуломжон Ёқубовдир.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғуломжон Ёқубов 1915 йилнинг 2 (15) сентябрида Андижон вилояти Асака тумани Мирзаобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўзбек. Мактабнинг 6-синфини тугатиб, Куйбишев номли колхозда ишлаган. Ғуломжон Ёқубов 1937-1940 йилларда Қизил армия сафларида хизмат қилган. 1939-1940 йилларда бўлиб ўтган совет-фин урушида иштирок этган. 1940 йилда Ғуломжон Ёқубов ўз жонажон қишлоғига, ўйига қайтиб келади. Кейин “Савой” совхози директори ўринбосари лавози меҳнат фаолиятини давом эттиради.

1941 йилнинг 22 июн кунда фашистлар Германияси СССР ва Германия ўртасида тузилган ўзаро уруш очмаслик тўғрисидаги битимни-Пактни хиёнаткорона бузиб СССРга бостириб кирди.

Ғуломжон Ёқубов 1941 йилда фашизмга қарши курашиш учун яна фронтга кетди. Совет-фин урушида ортирган тажрибаси, совхозда одамлар билан ишлаш кўникмалари, тилни билиши эътиборга олинди ва у қўмондонлик

¹, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг фашизм устидан қозинилган Ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанادا сўзлаган нутқидан.

таркибини такомиллаштириш курсларига ўқишга жўнатилди. Ўқишни тугатиб офицерлик унвонини олиб Ғуломжон Ёқубов фронтга юборилди. 1942 йилнинг сентябрида у 2-Белоруссия fronti 156-ўқчи дивизияси 556-ўқчи полкининг автоматчилар ротасида взвод командири лавозимида хизматни давом эттирди.

1944 йилнинг ёзига келиб капитан Ғуломжон Ёқубов 556-ўқчи полкининг автоматчилар ротаси командири лавозимида тайинланди. Капитан Ғуломжон Ёқубов Беларуссияни фашистлардан тозалаш жанговар операцияларида матонат билан жанг қилди.

1944 йилнинг 23 июнида Иккинчи жаҳон урушининг энг йирик стратегик операцияларидан бири ҳисобланган Беларуссияни немис-фашист босқинчиларидан тозалаш “Багратион” операцияси бошланди.

Ушбу тарихий стратегик операцияда 1-Белоруссия fronti 3-армияси 169-ўқчи дивизияси 556-ўқчи полкининг ҳиссаси алоҳида ва бекиёсдир. Могилёв вилоятининг Лудчица қишлоғи яқинидаги 150,9 тепалиги алоҳида тактик аҳамиятга эга эди. 556-ўқчи полки кўмондонлиги ушбу тепаликка чалғитувчи зарбани беришга ва душманнинг асосий куч ва воситаларини бош зарба бериш йўналишидан оғдиришга қарор қилди. Ушбу чалғитувчи зарбани капитан Ғуломжон Ёқубовнинг автоматчилар ротаси бериши кўзда тутилди. Юқорида таъкидланганидек, бундан кўзланган мақсад, автоматчилар ротаси душманнинг асосий кучларини ўзига қаратиши ва керак эди.

1944 йилнинг 24 июнига ўтар кечаси капитан Ғуломжон Ёқубовнинг автоматчилар ротаси Лудчица қишлоғи ҳудудида душман мудофаасга ёриб кирди ва душманнинг учта траншеясини ишғол қилиб ўтиб, 150,9 тепалигини эгаллади.

Полкнинг асосий кучлари душман мудофаасининг бошқа жойидан ёриб кирди. Полкнинг бошқа бўлинмаларидан ажралиб қолган автоматчилар ротасига қарши душман йирик кучларини ташлади, рота командири

Ғуломжон Ёкубов, тезкорлик билан мудофаани ташкил қилди. 20 соат давомида куч жиҳатдан устун бўлган душманнинг 40 дан ортиқ ҳужумлари қайтарилди. Рота катта талофатлар кўрди, лекин эгаллаган маррасини матонат билан ушлаб турди. Полкнинг жанговар вазифани муваффақият билан бажаришига имкон яратиб берилди.

Мана шу жангда капитан Ғуломжон Ёкубов душман ўқидан қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бу вақтга келиб, 1-Белоруссия fronti қўшинлари бир-неча километр жануброқда немисларнинг асосий мудофаа чизини ёриб ўтдилар ва душманнинг Бобруйск гуруҳини қуршовга олишни бошладилар.

Фронт қўмондони маршал К.К.Рокоссовский ўзининг “Аскарлик бурчи” эсдаликларида Бобруйск учун бўлган жанглари куйидагича таърифлайди.

“25 километрли қуршов ҳалқасида душманнинг 40 минглик гуруҳи қолиб кетди. Унинг қуршов ҳалқасидан жанубга ва ғарбга чекиниш йўллари мустаҳкам тўсилди....душман шимол томонга ёриб ўтиш учун ўн бештагача қарши ҳужумларни амалга оширди....

Хулоса: немис-фашистлари билан курашда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилишига лойиқ”.



Ғуло Капитан Ғуломжон Ёкубовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси

мжо
н Ёкубовнинг олдинги жанговар ҳаркатларда кўрсатган жасорати ва матонати ҳам муносиб тақдирланган эди. У 1943 йилнинг 27 июлида “Жасорати учун” медали, 1943 йилнинг 10 августида “Қизил Юлдуз”

ордени, 1943 йилнинг 27 ноябрида иккинчи даражали “Ватан уруши” ордени ва 1944 йилнинг 9 феврилида “Қизил Байроқ” орденлари билан тақдирланган. Ғуломжон Ёқубов тақдирланган саналарни таҳлил қилсак, ушбу тўртта жанговар медал ва орденлар билан у етти ой мобайнида тақдирланган. Бу эса ватандошимизнинг малакали, саводли офицер эканлигининг ҳамда унинг матонати ва жасоратининг белгисидир.

Ўзбек офицери – капитан Ғуломжон Ёқубов Белоруссияни фашист босқинчиларидан тозалашда ҳалок бўлди, унинг жасади ҳам Белоруссия тупроғида қолиб кетди.

Ўзбекистон ҳарбий-тарих жамияти матбуот хизматининг хабарига кўра, 2020 йилнинг августида ташкилот вакиллари Беларусь Республикаси Президенти ва Мудофаа вазирига мурожаат қилиб, Беларусь шаҳарларидан бир нечта кўчаларга Белоруссияни фашистлардан озод этишда иштирок этган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг номлари берилишини сўради. Мурожаатнинг натижасига кўра Минск шаҳрининг Ленин районидаги кўчаларнинг бирига Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғуломжон Ёқубовнинг номи берилди.

Ватан озодлиги учун жон фидо этган Ғуломжон Ёқубов ва унга ўхшаган минглаб ватандошларимизнинг хотиралари ўчмас ва мангудир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Выступления Президента Республики Узбекистан Шавката МИРЗИЁЕВА на церемонии, посвященной 76-летию Победы над фашизмом.
2. Акмал Саидов Парк Победы: Философия мужества и стойкости. Ташкент. 2021 г.
3. Сборник «9 мая 1945 года» — М., 1970
4. История Второй мировой войны. Москва. 1975 г.